

“INDORAMA CORPORATION” КОМПАНИЯСИНING МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 октябрь куни Сингапурнинг “Indorama Corporation” компанияси асосчиси ва раиси Шри Пракаш Лохия бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон иқтисодиётининг кимё, тўқимачилик ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида йирик инвестор ва муҳим технологик ҳамкор бўлган ушбу компания билан ўзаро манфаатли шерикликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, “Indorama Corporation” томонидан мамлакатимизда пахта толасини етиштириш ва чуқур қайта ишлашга қаратилган йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Қўқон суперфосфат заводи модернизация қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари сингапурлик инвесторнинг Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, “Фаргонаазот” акциядорлик жамияти қувватларини кенгайтириш, тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш, тўқимачилик ва қишлоқ ҳўжалигида замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш режаларини қўллаб-қувватлади.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида компаниянинг мамлакатимизга тўғридан-тўғри инвестициялари умумий ҳажми ҳозирги 600 миллион доллардан 850 миллион долларгача ошадди.

Инвестициявий ҳамкорликнинг устувор лойиҳаларини илгари суриш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

ТУРИЗМ СОҲАСИ ВА “ЯШИЛ МАКОН” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 октябрь куни туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, туризм иқтисодиёт учун қўшимча ва туганмас манба. Шу боис, ҳар бир давлат сайёҳларни жалб этишга ҳаракат қилади. Мамлакатимизда бу соҳага кенг имкониятлар яратилаётгани натижасида меҳмон ўринлари, саёҳат жойлари ва йўналишлари кўпайиб бормоқда.

Ўтган 8 ойда юртимизга хориждан 4 миллион 300 минг нафар турист келган, улардан 1 миллиондан 400 миллион доллар тушум бўлган. Қўшимча дам олиш кунлари ва чегирма берилгани натижасида ички сайёҳлар сони 15 миллион нафарни ташкил қилиб, ўтган йилгига қараганда 2 баробарга ўсган.

Туризм инфратузилмаси изчил ривожланмоқда. Жорий йилда 15 мингта янги меҳмон ўринлари ташкил этилиб, уларнинг сони 137 мингтага етди. 540 та дам олиш ва кўнгилочар маскан барпо этилди, 70 та туризм маршрути очилди.

Шунингдек, 6 та хусусий авиакомпания иш бошлади, янги 23 та самолёт олиб келинди, 20 та халқаро ва 6 та ички қатнов йўлга қўйилди. Самарқанд аэропортида ҳафталик халқаро рейслар 46 тадан 85 тага кўпайди. 1 минг 300 та замонавий автобус харид қилиниб, 38 та йўналиш очилди.

Йиғилишда туристларни кўпайтириш бўйича янги имкониятлар муҳокама қилинди.

Аввало, қўшни давлатлардан, Россия ва Хитойдан сайёҳларни жалб қилиш учун қўлай имконият борлиги таъкидланди. Хусусан, мамлакатимизда минглаб санаторий-курортлар, аҳоли турар жойлари барпо этилиб, табиий газга талаб ортиб бораётган, қолаверса, ўтган йилги энергетик тақчиллик оқибатлари ҳали ёддан чиқмаган бир пайтда газ импортига оид бу янгилик эътирофга лойиқ, албатта.

Давоми 4-бетда

Туристларни жалб қилиш бўйича яна бир катта йўналиш бу — маданий тадбирлар. Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистон ва айрим вилоятларда фестиваллар ташкил этилган. Шу тажриба асосида қолган ҳудудларда ҳам туристларни жалб этишга маданий тадбирларни кўпайтириш топшириғи берилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакат имижига кино сәнъатининг ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Маданият вазирлиги ва Кинематография агентлиги борада кўрсатмалар берилди.

“Ипак йўли” туризм халқаро университети мутахассислари иштирокида сервис сифати ҳамда соҳа ходимларининг малака ва маданиятини ошириш вазифаси қўйилди.

Жойлардаги сайилғоҳ ва истироҳат боғларини жонлантириш, тематик туризм кўчаларини ташкил қилиш, бадий жамоаларни либос ва анжомлар билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Юртимизда бу ҳаракат бошланганига 2 йил бўлди. Шу даврга 1 минг 200 гектардан ортиқ яшил боғ ва жамоат парклари, 1 миллион гектардан зиёд яшил ҳудуд ва қопламалар барпо этилди. Умуман, жамиятда, масъулларда дарахтга нисбатан муносабат ўзгарди.

Энди 25 октябрдан 1 декабргача “кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинади. Бу мавсумда 85 миллион тул қўчат экилиши мўлжалланган.

Бунинг учун Республика штаби тузилиб, унга Фанлар академияси, Тупроқшунослик ва Ўрмончилик институтлари, ўрмон ҳўжалиги раҳбарлари киритилди. Улар тупроқ таҳлили ва иқлим шароити асосида қўчат турини белгилаб беради.

Ўрмон ҳўжалиги агентлиги томонидан ҳар бир маҳаллага 200 тадан қўчат бепул етказиб берилади. Шунингдек, 15 октябрдан барча туман ва маҳаллаларда қўчат ярмаркаси ташкил қилинади.

Кўчат экишда манфаатдорликни ошириш мақсадида автомобиль, темир йўл, дарё ва каналлар бўйи аҳоли ва тадбиркорларга шартнома асосида ер тоифаси ўзгартирилмасдан бўлиб берилади.

Бандлик вазирлигининг Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари бундан буюн маҳаллаларнинг ўзига берилади ва дарахт экиш, парвариш ҳамда тозалаш тадбирларига йўналтирилади.

Маълумки, вилоят, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш бўлимлари бор. Бу хизматларни тажриба тарихида хусусий секторга бериш тақлифи билдирилди. Бунда ҳар бир қўча дарахтлари билан алоҳида-алоҳида лот қилиниб, бир йиллик маблағ билан очик танловга қўйилади. Мутасаддиларга шу борадаги шартлар ва молиялаштириш тартибини ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаровнинг таклифига биноан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 13 октябрь куни амалий ташриф билан Бишкек шаҳрида бўлади.

Саммит тадбирлари давомида МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, савдо, инвестициялар, sanoat кооперацияси, инновациялар, рақамлаштириш, транспорт, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади.

Давлат раҳбарлари халқаро кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Ийгилиш якунида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларига доир қатор битим ва қарорларни қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎЗА

ТАРАДДУД

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5-7 октябрь кунлари Россия Федерацияси Президенти таклифига биноан ушбу давлатга расмий ташрифи самарали кечди. Айниқса, ташриф доирасида Россиядан Қўзғистон орқали мамлакатимизга газ етказиб берилиши бўйича келишувлар юртдошларимиз учун қувонарли бўлди.

УСТЮРТ КЕНГЛИКЛАРИДА КўМИЛГАН БОЙЛИК



Ушбу воқелик қайси жиҳати билан аҳамиятли, ақсарият юртдошларимиз нега бундан хурсанд бўлмоқда, деган ҳақиқ савол туғилиши табиий. Маълумки, ўтган қишда кузатишган аномал совуқ энергетика таъминоти билан боғлиқ муаммоларимизни кўрсатиш, шу жумладан, газ босими пастиги туфайли маълум муддат уйларимиз исимида, аввалгига автомобильларга газ тўлдириш шохобчаларида турнақатор навбатлар пайдо бўлди, кейинчалик эса вақтинчалик ишламади ҳам.

Россия газини “реверс” тарзида импорт қилиш масаласига келсак, маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳар йили Россиядан 2,8 миллиард куб метр газ сотиб олади. Мамлакатимизда минглаб sanoat корхоналари, аҳоли турар жойлари барпо этилиб, табиий газга талаб ортиб бораётган, қолаверса, ўтган йилги энергетик тақчиллик оқибатлари ҳали ёддан чиқмаган бир пайтда газ импортига оид бу янгилик эътирофга лойиқ, албатта.

Давоми 4-бетда

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

ТИББИЁТДА ЯДРОВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 80 йилги мамлакатимиз илмий жамоатчилиги учун алоҳида аҳамиятга эга. Жойларда мақсуд санана бағишланган катта илмий анжуманлар, турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Шундай йиғинлардан бири 3-5 октябрь кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. “Ядровий тиббиёт” мавзусидаги халқаро конференцияда ўндан ортиқ давлатдан 200 га яқин олимлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Давоми 5-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙўЛИ ЭРКИН НАФАС ОЛАЁТГАН ХАЛҚ

ЁХУД МУНОСИБ ЯШАШ БАҲТИ

Она тилимизда “яшмоқ” сўзининг маънодошлари кўп. Чунончи, “ҳаёт кечирмоқ”, “тирикчилик қилмоқ”, “турмуш кечирмоқ”, “рўзгор тебратмоқ”, “кун кўрмоқ”, “истиқомат қилмоқ” каби сўз бирикмалари шу ёки шунга яқин маънони ифода этади. Лекин инсон яшаётган шароит, уни ўраб турган ижтимоий муҳит ёки вазиятга қараб, ушбу сўз ва иборалар ўзгача семантик урғуга, яъни маъно қатламларига ҳам эга бўлиши мумкин.



Масалан, бундан 8-10 йил олдин ўзимиз яшаётган маҳалла ёки қишлоғимиз аҳолиси билан кундалик ҳаёт ташвишлари ҳақида суҳбатлашсак, “Ҳа, энди амал-тақал қилиб кун кўриб юрибмиз-да, иложимиз қанча”, дегувчилар кўп бўларди. Ўзбекона андиша пардаси билан ҳақиқий ҳолат бир оз

юмшатиб айтилган бу сўзлар замирида турмушнинг ночорлиги, етишмовчилик ва муаммолар ҳар қадамда учраб туриши билан боғлиқ дарду ҳасрат мужассам эди.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

СИНАЛГАН ИНСТИТУЦИОНАЛ ШЕРИКЛИК: ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ВА САВДО-ИҚТИСОДИЙ БОЗОРЛАРГА ЧИҚИШ КЕЛИШУВИ

**Кўнғиротбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 5-7 октябрь кунлари Россияга расмий ташрифи доирасидаги олий даражадаги учрашувда қўшма корхоналар фаолиятини кенгайтириш, инвестиция салмоғини ошириш, миграция ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни кўриб чиқиш бўйича музокаралар ўтказилди.



Савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, нефть-газ ва энергетика тармоғидаги шартномалар таҳлил қилиниши баробарида илм-фан, таълим соҳасидаги ҳамкорлики янги босқичга олиб чиқиш бўйича ҳам мулоқот қилинди.

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ўттиз икки йиллик мус-

до транспорт-логистика фаолиятимиз табиий равишда боғлиқлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Россия Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиб, иқтисодиётимизга бевосита инвестор сифатида ҳам сезиларли улуш қўшиб келади.

Ўзбекистон ташқи савдо фаолиятида бу иқтисодий ҳамкорлик савдо оқимларимиздаги барча турдаги тўсиқларни (тариф ва тарифсиз чекловлар, транспорт тўсиқлари) енгиллаштириш, иқтисодиёт инфратузилмасини ривожлантириш учун Россиянинг ресурс ва технологик салоҳиятидан фойдаланишга хизмат қилади.

Ўзбекистон 2020 йилда МДХ раиси сифатида транспорт соҳасида 2020-2025 йилларда халқаро ташишларда МДХга аъзо давлатлар ҳудудларида транспорт хавфсизлигини таъминлашда хавфсизлик стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режасини рўёбга чиқарди. Шунингдек, МДХни янада ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда.

Келгусида мазкур стратегик ҳужжатларда белгиланган устувор ва зифалар бажарилиши транспорт соҳасида ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, МДХга аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликини бirlлаштириши ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Бугун Россияда меҳнат ресурсларига катта эҳтиёж бор. Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларнинг аксари Россияда ишლაмоқда. 2021-2022 йилларда фуқароларимизнинг 50 фоиздан кўпи айнаун Россияга ишлаш учун йўл олган.

Президентимиз ташрифи чоғида мигрантларга иқтисодий шарт-шароит яратиш масалалари кўриб чиқилиши ҳам юртдошларимизнинг Россия ҳудудида эркин ишлаши учун қонуний кафолатлар яратади.

20 фоиз ташқи айланма билан Хитойни орта қолдирди.

Тинч ва хавфсиз мамлакат — Ўзбекистонга россиялик сайёҳларнинг қизиқиши ҳам ошиб бормоқда. Сайёҳлар оқими мамлакатимизда яратилган туризм объекти инфратузилмаси жадал ривожланиши ҳисобига кескин кўтарилган.

Россия фуқаролари наздида Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлиги ошаётгани у ердан сайёҳлар оқими йил бошидан буён 20 фоиз кўпайганида кўринади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида қатор муҳим тadbирлар, жумладан, ҳукумат раҳбарлари даражасидаги қўшма комиссиянинг туртинчи йигилиши, Ўзбекистон ва Россия олий таълим муассасалари ректорларининг Худудлараро конференцияси, учинчи Худудлараро ҳамкорлик форуми, Бутунроссия кўргазма марказида Ўзбекистон павильони очилиши, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича икки томонлама ҳужжатлар оқими кичик комиссиялари йигилиши ва бошқалар бўлиб ўтди.

Хусусан, Қозон шаҳрида Татаристон Республикаси раиси Рустам Миниханов билан учрашув ҳам самарали кечди. Музокараларда истиқболли қўшма лойиҳалар муҳокама қилинди. Жизза шаҳрида Қозон федерал университети филиали фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистонда Россиянинг “Олабуға” ва “Мастер” технопарклар билан янги санат паркларини ташкил этиш, мамлакатимизда тadbиркорликини кенгайтириш ва қўшимча қиймат яратиш бўйича эришилган келишувлар қайд этилди.

Музокараларда рақамлаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида ҳамда Ўзбекистонда электрон савдони жорий қилиш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди ва мамлакат ҳудудлари ўртасида 3,5 миллиард долларлик ҳужжатлар имзоланди.

Бундай улкан сармоялар юртимизда бандликни таъминлаш имконини берувчи товар айирбошлаш сурьатини сақлаб қолиш ва кооперация алоқаларини кенгайтиришга йўналтирилди. Икки мамлакат ҳудудларининг амаллий шериклигини янада ривожлантириш ва уни аниқ лойиҳалар билан бойитиш учун шахарсозлик, уй-жой фондини реновация қилиш соҳаларида тажриба алмашилади.

Худудлар кесимида санат кооперацияси бўйича йил буйи ўзаро ташрифлар режа-жадвалини ўз ичига олган “Йўл харитаси”ни тайёрлаш юзасидан келишувлар ҳамкорлик истиқболларини янада мустаҳкамлайди.

Ташриф доирасида икки мамлакат ҳукуматлари ва вазирликлари томонидан 10 та ҳужжат имзоланди. Хусусан, Самарқанд шаҳрида Россия бош консулхонасини очиб, ваколатли иқтисодий оператор институтларини ўзаро тан олиш, “Агроэкспресс” тезкор темир йўл ташувларини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида битимлар, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2024-2025 йиллар учун ҳамкорлик дастури, шунингдек, транспорт, илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар шулар жумласида.

“Ўзбекистон 2020 йилда МДХ раиси сифатида транспорт соҳасида 2020–2025 йилларда халқаро ташишларда МДХга аъзо давлатлар ҳудудларида транспорт хавфсизлигини таъминлаш бўйича хавфсизлик стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режасини рўёбга чиқарди. Шунингдек, МДХни янада ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда.

тақил тараққийёт синовидан муваффақиятли ўтиб келмоқда. Бугунга келиб, икки давлат ўртасида, айниқса, савдо-иқтисодий, санат ҳамкорлиги жадал кенгаймоқда.

Бундан ташқари, ҳукуматлар ва парламентларо, ректорлар даражасида прагматик, конструктив ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда, маданий-гуманитар алоқалар сезиларли даражада интеграцияланишга эришилди. Таълим соҳасида фаол ҳамкорлик ва қўшма таълим дастурлари, конференциялар мунтазам ўтказиб келинади.

Ҳамкорлики янада кенг кўламда ривожлантиришдан икки томон бирдек манфаатдор ва иқтисодиётда бир-бирини тўлдириб бормоқда. Назарий жиҳатдан олиб қараганда ҳам иқтисодий соҳада ресурсларни халқаро бозорга жалб қилиш устуворлик касб этади. Қимматли қоғозлар чиқариш, маҳсулотни чет элда сотишдан даромад олиш, инсон ресурсларини ривожлантириш, иқтисодиётга тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларни жалб қилиш каби ислохотлар шулар жумласида.

Ўзбекистон учун Россия талабгир бозор сифатида муҳим бўлиб, узоқ йиллик транспорт, логистика, қишлоқ ҳўжалиги, агросаноат, чорвачилик, кадрлар тайёрлаш ва илм-фан, тиббиёт, фармацевтика соҳаларидаги инновацияларни қўллаш тажрибасига эга.

Хусусан, транспорт-логистика соҳаси Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимиз ишлаб чиқариш экспортида денгизга қараб жанубий йўналишда, жанубий-ғарбий йўналишда эса Покистон ва Эрон орқали Ҳинд океанига чиқишга интилоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Жанубий Осиё давлатлари бўлимиш Ҳиндистон ва Покистон билан фаол савдо-иқтисодий ҳамкорлик битимларини имзолаб келади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз

миз савдо-иқтисодиёти Россия ишбилармонлари учун ҳам қулай шериклик инфратузилмаси сифатида роль ўйнайди, деб айтишимиз мумкин.

Экспертлар фикрича, Ўзбекистон трансферти темир йўли имкониятлари ва Афғонистондаги қийин вазиятлар

ни барқарорлаштириш билан боғлиқ бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқиш доирасида Покистон билан ҳамкорлигини йўлга қўйган. Бундан ташқари, Тошкент Жанубий Осиё давлатлари билан нафақат икки томонлама, балки ШҲТ, Марказий Осиё+Ҳиндистон формати доирасида ҳам фаол ишლაмоқда. Бу



саъй-ҳаракатлар Россиянинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан муносабатларида Ўзбекистонни иқтисодий шерик сифатида майдонга чиқаради.

Мамлакатимиз Қирғизистон орқали Хитой билан транспорт алоқаларини яхшилаш бўйича савдо-иқтисодий, дипломатик алоқаларини такомиллаштиримоқда. Ўзбекистон юк олимининг асосий улуши шимолий йўналишда, яъни Россия ва Қозғистон орқали ўтади. Бу эса Россия билан ташқи сав-



“Ўтган даврда имзоланган ҳужжатларга қўра, Россия Ўзбекистонга тоғ-кон саноти хомашёлари ва маҳсулотлари, технологиялар, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, нефть маҳсулотлари, дори-дармон етказиб беради. Ўзбекистон эса Россияга тўқимачилик ва пойабзал, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа санат маҳсулотлари экспорт қилади.

2022 йилда Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо, санат кооперацияси ва бошқа йўналишларда 2022-2026 йилларга мўлжалланган комплекс дастур имзолангани икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлиги самарадорлигига замин бўлмоқда.

Бу галги расмий ташриф доирасида санат маҳсулотлари ва технологиялари, санат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўтган даврда имзоланган ҳужжатларга қўра, Россия Ўзбекистонга тоғ-кон саноти хомашёлари ва маҳсулотлари, технологиялар, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, нефть маҳсулотлари, дори-дармон етказиб беради. Ўзбекистон эса Россияга тўқимачилик ва пойабзал, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа санат маҳсулотлари экспорт қилади.

Ўзбекистон МДХда Россиянинг учта асосий савдо шеригидан бири бўлиб, 2022 йилда ўзаро савдо ҳажми бўйича рекорд кўрсаткичлар қайд этилди. 2021 йилда Россия Ўзбекистоннинг асосий савдо шериги сифатида қарийб

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликда нафақат микродий кўрсаткичлар барқарор ўсиб бораётгани, балки сифат жиҳатидан ўзгаришлар рўй берганига эътибор қаратди. Хусусан, илгари ўзаро товар айирбошлаш таркибининг аксариятини хомашё ташкил этган бўлса, бугунги кунда 70 фоизи юқори қўшилган қийматли маҳсулотларга тўғри келмоқда.

Маҳаллий энергия тизими муаммоларини хал қилиш хар бир давлатнинг устувор вазифаларидан. Шу боис, ташриф чоғида Россиядан Қозғистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга табиий газ етказилишига шарт берилгани муҳим аҳамиятга эга.

Бу лойиҳа мамлакатимиз энергетик хавфсизлигини таъминлаш, “мовий ёқилғи”ни кафолатли етказиб бериш манбаларини диверсификация қилиш йўлида олдинга ташланган катта қадам, истеъмолдаги мавсумий номуносибликни бартараф этиш, аҳолини газ ва электр энергияси билан ишончли ва узлуксиз таъминлаш учун энергия ресурсларининг қўшимча захираларини яратишга хизмат қилади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 75 ЙИЛЛИГИГА

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ОНГ МУҲИТИ

ЖАМИЯТДА ҚИЙНОҚ ВА ЗЎРАВОНЛИККА ЧЕК ҚЎЯДИ

**Салоҳиддин ҲАМРОЕВ,
Ички ишлар вазирлигининг Ташкилий
департаменти катта юрисконсульты**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарты ҳисобланади. Шу боис, ривожланишнинг юқори чўққиларини қўзлаб илгарилаетган хар бир давлат бу масалага устувор аҳамият қаратади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги тахрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида муҳим чоратadbирлар белгиланган. Айни пайтда Бош қонунимизда ўз аксини топган муҳим тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётир.

Инсон ҳуқуқи ҳақида гап кетганда, қийноқ ва зўравонлик ҳолатларига қарши курашиш масаласи доимо кун тартибига кўтарилади. Бу бежиз эмас. Бугунги глобаллашган дунёда инсон эрки ва ҳуқуқларини химоялаш борасида замонавий тизим яратилганига қарамай, ҳали-ҳануз муаммолар учраб турибди. Инсон эрки ва ҳуқуқига раҳна олувчи бундай ноҳуш ҳолатлар жамият ривожини, тинчлик ва тараққийга жиддий тўсиқдир. Шу боис, жаҳон ҳамжамияти бундай ҳолатларнинг олдини олиш, адолатли, эркин ва фаровон дунёни барпо этишга интилиб келади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва БМТнинг қийноқ ҳамда муомала ва жазоланишнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қиммати камситувчи турларига қарши конвенцияси ана шундай глобал муаммоларга қарши курашишга йўналтирилган муҳим ҳужжатлардир. Дунёнинг қўллаб-мамуллашлари қаторида Ўзбекистон ҳам бу ҳужжатларга қўшилган ва мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам бу борада устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Жиноят кодексида ҳам бундай муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жавобгарлик назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, БМТнинг қийноқларга қарши конвенцияси талабларига тўлиқ мос келади.

Айни пайтда бу йўналишдаги ишларни халқаро андозалар даражасида ташкил этишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шу

Президентимизнинг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларда мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда бу жабада миллий ва халқаро ҳужжатлар тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмлари изчил такомиллаштирилди. Шу билан бирга, жамиятимизда қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизimini халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштириш бўйича иш олиб борилаётир.

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан соҳадаги миллий таълим дастури доирасида қийноққа солишга қарши курашиш бўйича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиляпти. 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Тошкент, Бухоро ва Фарғона вилоятларида ички ишлар ҳамда прокуратура органларининг қарийб 200 нафар ходими ўшбу ўқув курсларида малака оширди.

Қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгаришлар шахсларнинг, айниқса, маҳкумларнинг ҳуқуқи ва эркинликларига риоя этилишини, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашга замин яратмоқда. Озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни сақлаш шароитларини инсонпарварлик нуқтаи назаридан



мақсадда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланган жойларда қийноқларнинг олдини олиш борасида тизимли иш олиб бориляпти. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жазони ижро этувчи муассасалар фаолиятини назорат қилиш бўйича Омбудсман институтининг ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилди. Қийноқларнинг олдини олишдаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича миллий превентив механизмлар жорий этилди.

Унга қўра, омбудсманга жазони ижро этиш муассасаларига кириш ҳамда мониторинг олиб бориш ваколати берилди. Биргина 2021 йилнинг ўзида омбудсман томонидан жазони ижро этиш муассасаларига жами 177 та мониторинг ташрифи амалга оширилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 381 тани ташкил этди.

ридан янада яхшилашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса шуки, қийноқ ва бошқа шафқатсиз муомала турлари содир этилиши асло мумкин эмас. Бундай натижага эришиш ва бу борада қонун устуворлигини таъминлаш учун эса жамиятда ҳуқуқий онг-тафаккарни юксалтириш, бундай иллатларга қарши тоқатсиз муносабатни шакллантириш лозим. Зеро, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда ўз ҳуқуқи ва бурчини теран англайдиган, масъулиятини тўла ҳис этадиган, шу билан бирга, теварак-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан ашайдиган инсонларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги муҳимдир. Ана шундангина ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад — адолатли ва фаровон жамият, юксак тараққий этган демократик давлат барпо этишга эришамиз.

БУЮК ЎЗБЕК ЙҮЛИ

ЭРКИН НАФАС ОЛАЁТГАН ХАЛҚ

ЁХУД МУНОСИБ ЯШАШ БАХТИ

“ Азиз ватандош, келинг, жонажон юртимиз равнақи, буюк мақсадлар ижроси йўлида қўлни қўлга бериб, бирлашайлик! Бирлашган халқ ва жамият ўзининг бунёдкорлик қудрати билан қандай улғў ишларга қодир эканини амалда яққол намоён этиб, ҳар биримиз келажақ авлодларга эзгу ном, ибратли ҳаёт ва мактаб қолдирайлик.



Фурқат ЖҲҲАҚУЛОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари

Бошланғичи 1-бетда

Бугунги кунда-чи?

Энди ана шу одамларнинг аксарияти “Э, мана, инсондек яшай бошладик, бўлар экан-ку, бечоранинг ҳам елкасига офтоб тегаркан-ку!” деган фикрини миннатдор бўлиб айтмоқда.

Чиндан ҳам ўтган ғоят қисқа даврда оддий юртдошларимиз ҳаётида кескин ижобий ўзгаришлар юз берди. Илғари йўлимиздаги ҳеч қандай куч билан теб-

Давлат ўз фуқароларига ишонмас, тадбиркорлик ва бошқа қонуний фаолиятлар учун имконият яратиб бериш у ёқда турсин, ҳатто қонуний ишлаб тоилган пулини банкда чет эл валютасига алмаштириб олишига йўл бермас эди.

Тошкент шахрига кириб келишдаги назорат постларини айтинг!

Болалар боғчаси ва уй-жой соҳасидаги муаммоларни айтинг!

Бечора ота-оналарнинг ўғил-қизларини тўққизинчи синфдан сўнг қайси лицей ва коллежга берсам экан деб, дардини кимга айтишни билмасдан, бош чангаллаб, изиллаб юрганларини айтинг!

Ишсизлик, хорижга меҳнат мигранти сифатида бориш йўлидаги тўсиқлар, давлат хизмати кўрсатишдаги сансоларликлар, олий ўқув юртига киришдаги ҳар йили то январь ойига қадар чўзиладиган боши-кейти йўқ машамшалар!..

Э, қайси бирини айтасиз! Санайверсангиз, адоғи кўринмайди бу яқин тарихнинг...

Қисқаси, ҳар қадамда адолатсизлик, ҳар эшикда инсон шаънини камситиб, ерга урадиган муҳит ҳукмрон эди.

Наҳотки, шунча муаммолар бир неча йилга қолмасдан ҳал бўлиб кетган бўлса!

Наҳотки, йиллар давомида ҳақиқат излаб овера бўлган одамларнинг кўксига шамол тегиб, орзу-армонлари ушалаётган бўлса!

Тўғриси, одам дафъатан ишонгиси келмайди. Булаётган ислохот ва янгиларлик бамисоли тушда кечаётгандек. Лекин буларнинг барчаси ҳақиқат, бугунги кунимизнинг реал воқелиги, туш эмас, азиз ватандош, хотиржам бўлинг!



ратиб, кўпориб бўлмайдигандек туюлган қоядек зил ва оғир ғовлар улкан жасорат билан даст кўтарилибди, узоқ-узоқларга улқотириб ташланди. Мамлакатимизда бундан етти йил олдин бошланган ўзгаришлар шамоли халқимиз ҳаёти ва тараққиётига ҳалақит бериб турган барча тўсиқларни йўлимиздан суғуриб ташламоқда. Ислохотлар ҳар бир инсон, оила ва маҳалла ҳаётига жадал кириб бормоқда.

Холбуки, илғари ҳам Конституция-миз, қонунаримиз бор эди. Уларда ҳар бир юртдошимизнинг фуқаролик ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Ана шу ҳуқуқларни амалда таъминлаш шарт бўлган давлат ва ҳокимият органлари ҳам мавжуд эди. Лекин, афсуски, одамларнинг оддий фуқаролик ҳуқуқлари таъминланмасди. Чунки халқнинг тийнатидаги янгликка интилиш ва ташаббус тўйғусини эзиб, мажақлаб, одамларни оғзини очишга ҳам қўрқадиган қилиб қўйган эдик. Кўпчилигимиз “Ҳа, энди мустақил давлат қилиш шундай бўлар экан-да”, деб бундай адолатсизликларга кўникиб кетгандик.

Нимасини айтасиз, олис шахар ёки қишлоқдан пойтахтга келган ўзбек фарзанди ўз юртида эркин юролмас, ҳар қадамда “паспорт назорати” деган таъқибга учур эди. Минглаб одамлар юртимизда туғилиб ва яшаб, Ўзбекистон фуқароси бўлолмай армонда дунёдан ўтиб кетгани ҳам аини ҳақиқат. Тошкент шахрида “прописка”дан ўтиш, уй-жой ёки мол-мулк сотиб олишдан кўра бирор-бир хорижий мамлакатга бориб, одамдек яшаш осонроқ эди. Шунинг учун ўз қадрини билган қанча мардум лаш-лушини йиғиштириб, муҳожирликни афзал билгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Яратганнинг ўзи халқимиз бошига бахт қўшини қўндирди. Йиллар давомида чигаллашиб кетган қанча-қанча оғир муаммолар ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, жанжал-тўполонларсиз қисқа муддатда шу қадар муваффақиятли ҳал этилгани чиндан ҳам Аллоҳнинг бизга кўрсатган чеқсиз марҳамати эмасми?

Эсингиздадир, яқин-яқингача юрагимизда агар чўқур ислохотларни бошламас, одамларга демократия ва эркинлик берсак, жамиятда талатўл бошланиб кетмасмикин, деган қўрқув ва ҳадик бор эди. Қўрқув эса янглик ва ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ. **Ҳато қилишдан қўрққан одам ҳеч қачон олдинга қараб боролмайди, бирон-бир натижага ҳам эришолмайди.** Халқимиз жуда топиб айтганидек, **“Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, жон чекмасанг, жонона қайда?”**

Кейинги йиллардаги улкан ислохотларимиз тажрибаси бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: эл-юрт билан мулоқот ва маслаҳат қилиб, ҳар бир иш чўқур ўйлаб, одамлар манфаатини кўлаб амалга оширилса, демократия ислохотлар жанжал ва талатўпларга эмас, аксинча, тинч ҳаётимизни, жамиятдаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизमत қилар экан. Эзгу мақсадлар билан дадил олдинга боргани халқ ҳам, Яратган ҳам қўллаб-қувватлаб, мардлиги ва жасоратига яраша ютук ва натижалар ато этар экан.

Биз бугун янги Ўзбекистон ва Президентимиз мисолида юртимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар ҳамда уларнинг ҳаётбахш самараси асосида бу фикрга тўла ишонч ҳосил қилиб турибмиз.



Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ғоят серкирра ва кенг қўламли бўлиб, улар ҳақида батафсил фикр юритиш, туб моҳиятини очиб бериш учун албатта ўта зарarli илмий кузатиш ва тадқиқотлар олиб бориш лозим бўлади. Лекин уларнинг асосий мақсад ва йўналишлари бугунги кунда оддий одамларга ҳам маълум. Булар — инсон ва унинг қадрини юксак даражага кўтариш, барча соҳаларда миллий манфаатларимизни таъминлаш, шу асосда миллити, тили ва динидан қатъи назор, ҳар бир инсон эркин ва фарован яшайдиган янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат.

Бундай олижаноб мақсадларга эришиш механизмлари ҳам кўпчиликка

қамраб олиш даражаси 27 фоиз бўлган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам 72 фоизга етди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, боғчага қатнаган бола билан боғчага қатнамаган бола ўртасида, уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши ўртасида катта фарқ бор. Худди шундай, уларнинг ота-оналари ўртасида ҳам ҳаётга, фарзандлар тарбиясига қарашда, истиқболлини белгилашда сезиларли фарқ бўлади. Чунки боғча илмий асосда, аниқ методика бўйича тарбия берадиган, боланинг жамиятга, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга тайёр ҳолда — онгли фуқаро ва керакли мутахассис сифатида интеграция бўлишини таъминлайдиган таълим-тарбия тизимининг бошланғич ва энг муҳим бўғини. Бу тарбия мактаб

сида юртимизда мактаб таълими ҳам тубдан янгиланмоқда. Ушбу тизимда қисқа муддатда қўшимча равишда 700 миң ўқувчи ўрни яратилгани, бутунлай янги намунадаги 200 га яқин Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда 400 та хусусий мактаб фаолияти йўлга қўйилгани фарзандларимиз учун ўқувчилик йилларидан бошлаб таълим-тарбия олишда ўзига хос танлаш имкониятлари яратиб берилаётганидан далолатдир. Бундай ранг-баранглик, бир нечта вариантлар мавжудлиги соҳада соғлом рақобат бўлиши, таълим сифатининг ошишида муҳим аҳамиятга эга.

Ешларимиз қамолотида алоҳида ўрин тутадиган олий таълим тизимидаги ҳолатни ҳам кекаги кун билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Уртадаги фарқ осмон билан ерча десак, тўғри бўлади.

Сўнгги йилларда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар туфайли мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан бугун 38 фоизга етди. Олийоқлар сони эса 77 тадан 210 тага, нодавлат институти ва университетлар эса 65 тага етди.

Айниқса, олий таълим олиш бўйича қизларга алоҳида шароитлар яратиб берилаётгани халқимиз орзуларининг яна бир рўёбидир. Чунки қизнинг билимли ва маърифатли бўлиши у униб-ўсган, эртага келин бўлиб борадиган оиланинг бахти. Бу — бутун жамиятнинг бахти. Нега деганда, илм-маърифатли она ўз фарзандларини, албатта, жисмоний ва маънавий барқамол қилиб, замон талаблари асосида тарбиялайди, рўзгорини пок, файзли ва баракали сақлайди, ҳаётда бўлиб турадиган қийинчиликлар пайтадига ҳам умидсизликка тушмасдан, ҳар қандай масалани ҳуқуқий, моддий ва маънавий ечимини топа олади. Молиявий томондан ҳам, маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам мустақил бўлиб, аёллик шаъни ва гурурини асраб ашайди.

Яна бир томони шундаки, қизларнинг билим ва касб-хунарларни, чет тилларни ўрганишига бундай кен йўл очаётганимиз биз барпо этаётган жамиятнинг маърифий даражаси ортиб бораётганини кўрсатади. Шунинг ўзи Учинчи Ренессанс пойдеворига қўйилган энг муҳим ва мустаҳкам гишт десак, муболага бўлмайди.

Бугунги кунда “обод маҳалла”, “обод қишлоқ”, “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “камбағалликни қисқартириш”, “маҳалладаги етилик” каби тушунчалар халқимизнинг қалби ва онига чўқур сингиб, янги давр кадриятларига айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий қиёфаси, унинг ғоявий асослари ана шундай кадриятларга таянади.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизнинг турли соҳа ва тармоқларида кейинги йилларда эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, кенг қўламли ислохотларимизни янги босқичга кўтариш — замон талаби. Шу боис, мамлакатимизда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилиниб, унинг доирасида улкан амалий ишлар бошлаб юзорилади.

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, деган шiori асосида юртимизда мактаб таълими ҳам тубдан янгиланмоқда. Ушбу тизимда қисқа муддатда қўшимча равишда 700 миң ўқувчи ўрни яратилгани, бутунлай янги намунадаги 200 га яқин Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда 400 та хусусий мактаб фаолияти йўлга қўйилгани фарзандларимиз учун ўқувчилик йилларидан бошлаб таълим-тарбия олишда ўзига хос танлаш имкониятлари яратиб берилаётганидан далолатдир.

аён: демократия ва эркинлик сиёсатини, дунёга очиқлик йўлини изчил давом эттириш, барча соҳалар ривожига илм, илм ва яна бир бор илм, янглик ва инновацияларга таяниш, таълим сифатини ошириш, ислохотларни маҳалла даражасида тушириб, халққа янада яқинлаштириш ва ҳоказо.

Биз кейинги йилларда турли соҳаларда эришган ютук ва натижаларимизни фақат статистик таҳлил асосида қайд этишга ўрганиб қолганимиз. Аслида, ҳар бир рақам ортида инсон ва унинг ҳаёти, халқнинг турмуш даражаси мужассам эканига кўп ҳам эътибор бермаймиз. Келинг, баъзи кўрсаткичларни айнаш шу нуқтаи назардан яна бир бор таҳлил чиғиригидан ўтказиб кўрайлик.

Агар 2016 йилда боғча ёшидаги болаларнинг мактабга таълим тизимига

тизимиди янада ривожлантирилади ва олий таълим тизимида тақомиллаштирилиб, мантийкий якунига етказилади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда мактабга таълим тизими тармоқлари кескин кенгайгани ва улардаги қамров бир неча баробар ортгани туфайли юқориди зикр этилган фарқ болалар ўртасида ҳам, ота-оналар ўртасида ҳам тобора камайиб боради. Бинобарин, жамиятга, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнига интеграция бўладиганлар сони кўпаяди, халқнинг умумий мақсадлар атрофидаги бирлиги, жипслиги кучаяди.

Мана кўряспизми, биргина мактабга таълим тизимидаги ислохотларнинг ижтимоий аҳамияти қанчалик бекиёс.

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, деган шiori асо-



бир юртдошимиз Ватанимиз равнақи, халқимиз келажағи йўлида ўз бурчи ва масъулиятини янада чўқур англаб, замон талабларини тушуниб, аввалгидан бир неча ҳисса кўп ва самарали меҳнат қилиши лозим.

Энг муҳими, бугунги тарихий бурилиш палласида миллий бирлигни, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **“Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз”**, деган сўзларида ҳам чўқур ҳикмат, ҳам барчамизга қаратилган ўтти даъват, мурожаат мужассамдир. Демак, халқимизнинг бахти, келажағи ва фаровонлиги, Ватанимиз мустақиллиги, унинг дунё майдонида мустаҳкам кўргондек туриши ва шон-шукрати, аввало, бизнинг бирлигимиз, ҳамжиҳатлигимизга боғлиқ.

Бирлик — бу энг катта имконият, бойлик ва ютук. Чунки айнан бирлик туфайли тарқоқ кучлар, фикрлар, ресурслар ягона мақсад сари сафарбар этилади. Айнан бирлик туфайли кичик имкониятлар катта имкониятга, кичик натижалар катта натижаларга айланади. Айнан бирлик туфайли ҳар биримизнинг ишимиз ва фаолиятимиздаги айрим хато ва камчиликлар барҳам топади. Хатоми тузатиш бу — беҳуда сарфланаётган куч ва имкониятни фойдали ишга йўналтириб, ҳаётбахш ресурсга айлантириш, дегани.

Албатта, ҳаётимизда ҳали камчилик ва муаммолар кўп. Энг таъшишли жиҳати — бугунги эркин ва обод ҳаётни, унинг бағридаги улкан имкониятни ҳамма ҳам бирдек қадрлаётгани йўқ. Орамизда ношукурчилик қилиб, боқимандалик кайфиятига берилган, фақат давлатнинг қўлига қараб “Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам менга бўлсин”, деб ўзининг тор шахсий манфаати билан яшайдиганлар ҳам, афсуски, кам эмас. Миллий бирлик ва жипсликнинг буюк қудрати шундаки, у ана шундай инсофу диёнат манзилдан узоқлашган одамларни ҳам тарбиялаб, соғлом сағфа қайтаради.

Сўзимиз бошида алоҳида таъкидланган инсондек муносиб ашаш масаласига қайтайлик. Биз кейинги йиллар давомида ана шундай ҳаётга ўргандик. Энди ташвиш ва муаммоларимизни давлат идораларига қўлаб, ойлаб навбатда туриб, миңг азобда битиришдек ачинарли ҳолатлар йўқ.

Энди мактаб ўқувчилари ва талабаларни ўқийшдан қолдириб, пахта дала-ларига мажбуран ҳайдаш йўқ.

Энди тадбиркорлик йўлида, пок орзу-ниглар йўлида миңг хил ҳийла-найранглар йўқ.

Бу йилнинг ўзида мамлакатимизда юзда янги уйлар қурилмоқда. Демак, юртдошларимиз учун Ватанда “ватансизлик” муаммоси йўқ ва энди ҳеч қачон бўлмайди ҳам.

Умуман, қайси жаҳони олмагн, дунёда озод ва эркин яшайтган мутараққий халқларга хос ҳаёт тарзи, талаб ва мезонлари бизнинг турмушимизга ҳам кириб келаётганини кўрамиз. Барчамизнинг кўксимизни тоғдек кўтарадиган, гуруримизга гуру қўшадиган ана шундай умидбахш жараёнлар бардавом бўлиши, янада кучайиб боришини, албатта, ҳар биримиз истаимиз. Демак, ҳеч қачон ортага қайтмасдан, шу йўлдан қатъий олға боришга барчамиз тайёрмиз.

Шундай экан, азиз ватандош, келинг, жонажон юртимиз равнақи, буюк мақсадлар ижроси йўлида қўлни қўлга бериб, бирлашайлик! Бирлашган халқ ва жамият ўзининг бунёдкорлик қудрати билан қандай улғў ишларга қодир эканини амалда яққол намоён этиб, ҳар биримиз келажақ авлодларга эзгу ном, ибратли ҳаёт ва мактаб қолдирайлик.

Ҳеч қачон унутмайлик: тоғ жилғаларидек бирлашсак, улғў дарё, улғў денгиз бўлаимиз! Бирлашсак, ютуғимизга ютук, имкониятимизга имконият, қудратимизга қудрат қўшилади! Бирлашсак, миллий иродамиз, куч ва салоҳиятимизни тўла намоён этамиз! Бирлашсак, эзгу мақсадларимизга албатта етаимиз!



ТАРАДДУД



Бошланиши 1-бетда

Қорақалпоғистоннинг ер ости бойликлари кўп бўлган ушбу ҳудудда углеводород қазиб чиқариш 1995 йилдан бошланган. Устюрт газ қазиб чиқариш бошқармаси

Ҳозирча бу йил қиш фасли қай даврада соvuқ ёки илтиқ келишига доир аниқ маълумотлар йўқ. Лекин қиш ҳароратининг қандай бўлишидан қатъи назар, бу мавсумда табиий газга талаб ортиши аниқ. Негаки, юртимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг асосий қисми — қарийб 90 фоизи иссиқлик электр станцияларида газ ёки қўмир ёқиб чиқарилади. Демак, бу ҳудуддан аниқ маълумотлар бўлса, бу ҳудуддан аниқ маълумотлар бўлса, бу ҳудуддан аниқ маълумотлар бўлса, бу ҳудуддан аниқ маълумотлар бўлса...

Устюрт

КЕНГЛИКЛАРИДА КЎМИЛГАН БОЙЛИК

Йил якунига 4 та янги майдон излов бурғилашга жорий қилиниши, 54 минг 500 поғона метр ҳажмда излов-қидирув бурғилаш ишлари бажарилиши, 8 та кудуқни қурилиши билан тугатиш режа қилинган.

метр газни комплекс тайёрлаш қуваватига эга лойиҳа бўйича бўйбекдорлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Лойиҳа якунига етса, ушбу қурилма умумий ҳисобда 9 миллион куб метр газни комплекс тайёрлаш имкониятига эга бўлади. У айна қиш мавсумида газ қазиб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Бош лойиҳачи "УзЛИТИНефгас" АЖ, "Нефтгазмонтаж" МЧЖ пудратчи ташкилоти қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда. Ҳозирда лойиҳа бўйича 70 фоиз қурилиш-монтаж ишлари якунланган.

Мазкур геологик тадбирлар натижасида Бойлик, Шарқий Арслон ва Қуйи Қустаў майдонларининг нефть-газлик истикболли баҳолалиши ҳамда 12 миллиард куб метр табиий газ ва 450 минг тонна ҳажмда суёқ углеводородлар захираси ўстирилиши кутилмоқда.

Шунингдек, 4,5-6,5 минг метр чуқурликдаги қатламларда углеводород захираларини излаш мақсадида Фарбий Қуйи Сурғил майдонида 6 минг 500 метр лойиҳавий чуқурлик билан параметрик кудуқ бурғиланмоқда. Бу тарихий воқеа. Чунки шу кунгача бундай чуқурликда кудуқ бурғиланмаган.

Орол денгизи куйида газни қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёни билан танишар эканмиз, навбатдаги манзилимиз "Арслон" газни комплекс тайёрлаш қурилмаси бўлди. Чўл бағридаги баҳайбат қурилма бизни ҳайратлантирди. Ушбу комплекс қазиб олинган газ хомашёсини сув ва конденсатдан ажратиб олиб, тоза газни "Узтрансгаз" акциядорлик жамияти тармоқларига узатиб беради.

"Арслон" газни комплекс тайёрлаш қурилмаси Президентимизнинг 2017 йил 9 мартдаги "2017-2021 йилларда углеводород хомашёсини қазиб олишни кўпайтириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида 2019 йил декабрда ишга туширилган, — дейди Устюрт газ қазиб чиқариш бошқармаси бўлими бошлиғи Латифжон Жумаурастов. — Комплекс 2 та паст ҳароратли сепарациялаш тармоқларидан иборат. Ушбу тармоқларнинг ҳар бири кунига 3 миллион куб метр, йилга эса 2 миллиард куб метр табиий газни комплекс тайёрлаш қуваватига эга. Бу ерда Арслон, Қуйи Сурғил, Фарбий Қуйи Сурғил конларидан қазиб олинган газ қайта ишланади. Яъни паст ҳароратда сепарациялаш билан газ таркибидан қатлам суви, механик бирикмалар ҳамда суёқ углеводородлар ажратиб олинади. Натижада тозаланган табиий газ давлат стандарт талабларига етказилади ва магистрал газ қурувлари оққали истеъмолчиларга узатилади.

Устюрт ҳудудида истикболда газ қазиб чиқаришга қаратилган геологик-техник тадбирлар ва лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда, "Арслон" газни комплекс тайёрлаш қурилмасида яна 1 дона сепарациялаш тармоғи қурилмоқда. Ҳозирда кунлик 3 миллион куб метр табиий газ қазиб чиқариш режаси белгиленган.

Шарқий Бердақ сикв компрессор станцияси 2017 йилда ишга туширилган. Станцияда 3 та газ ҳайдаш агрегати бор. Лойиҳа бўйича кунлик 6 миллион куб метр, йилга 2 миллиард куб метр паст босимли табиий газ босимини ошириб беришга муваффақ бўлди.

Мазкур сикв компрессор станцияси Шарқий ва Шимолий Бердақ, Арслон, Ином ва Қуйи Сурғил каби конларда мавжуд 200 дан ортиқ кудуқдан қазиб олинган газни кунлик 6 миллион куб метр паст босимли табиий газ босимини ошириб, паст ҳароратда газни комплекс тозалаш қурилмасига етказиб беради.

Устюрт ҳудудидаги конларда босим тушиб бораётганини инобатга олиб, мавжуд захираларни чуқур ўлаштириш ва қазиб олинган табиий газни тайёрлаш қурилмасига етказиб беришни ташминлаш мақсадида 2024 йилда Шарқий ва Шимолий Бердақ конларидан табиий газнинг қазилишига яна 4 та кичик сикв компрессор станциясини қуриш режалаштирилган.

Кум барханлари билан ўралган бу кенгликларда ер ости бойликларини ўлаштириш борасида олиб борилган ишлар билан танишар эканмиз, захираларимиз кўпчилигидан хурсанд бўлидик. Уларни қазиб олиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилиши билан табиий газ таъминоти барқарор бўлиши, талафотсиз ўтиши учун зарур чоралар қурилмоқда. Демак, қаҳратон қишда бу сафар уйлариб иссиқ бўлади, ҳеч қандай хавотирга ўрин қолмайди.

Устюрт ҳудудида қайтар эканмиз, кичик-кичик кум барханлари оралаб катта йўл томон беланчақдай тебраниб кетаётган улумииз бизларни аллагагандай бўлади, кечки чўл шомоли эса теварак-атрофимизда худди моҳир мусаввир сингари ажиб сурат чизади. Янтоқ япроқлари биз билан кўл силкиб хайрлашаётгандай, тобора олисда қолаётган газ иншоотлари томонидан эсаётган шомол эса "Бу замин барзи бойликларга тўла, яна келсанмиз, кўрасиз, унчага бу жойларда катта-катта қорхоналар барпо этилади", дегандай бўлади...

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

миз ривож ва аҳоли фаровонлигини оширишда табиий газ барқарорлиги муҳим омил саналади.

Президентимиз айна шу боис, бу мисалга доим алоҳида эътибор қаратади. Россия билан газ импорти борасидаги келишув ушбу йўналишдаги сайёҳаракатларнинг амалии самараси бўлса, асосий томонлари юртимизда янги газ конларини излаб топилди, ўлаштирилди, қорхоналарни модернизация қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қўлга киритилаётган натижаларда кўзга ташланади. Буни биргина Устюрт газ ишлаб чиқариш бошқармаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумотларга қара, "Ўзбекнефгас" акциядорлик жамияти томонидан 2023 йилда 700 дан ортиқ геологик-техник чора-тадбир амалга оширилди ҳамда бунинг эвазига 32,8 миллиард куб метр табиий газ қазиб чиқариш режалаштирилган. Шундан 1,8 миллиард куб метр қисми Устюрт газ ишлаб чиқариш бошқармаси ҳиссасига тўри келади.

Жорий йил бу ерда қоздан ортиқ геологик-техник тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Шу жумладан, 7 та излов-қидирув кудуқини бурғилаш, 67 та кудуқда мураккаб турдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шу билан бирга, 5 та геологик объект ишга туширилади. Натижада 1,8 миллиард куб метр табиий газ ҳамда 15,8 минг тонна суёқ углеводород қазиб чиқарилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Устюрт минтақасининг юқори истикболга эга 4000-7000 метр чуқурликда жойлашган қуйи юра даври ётқизиклари замонавий сейсмик-қидирув материаллари ҳамда янги технологияларни татбиқ этган ҳолда қайта атрибут таҳлил қилинмоқда. Шу орқали "Судочий" ботиклигининг чуқур геологик тузиллиги, бурғиланган олинган барча геологик-геофизик ва бошқа маълумотларни ўрганиш ҳамда худуднинг регионал модели асосида аниқланган янги маҳсулдор қатламларнинг нефть-газга истикболлилиги ҳамда углеводород ресурсларини баҳолаш ишлари "Schlumberger" халқаро сервис компанияси билан ҳамкорликда олиб бориляпти.

Устюрт ҳудудида табиий газ қазиб олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан кенг оммани яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган пресс-турда шулар ҳақида атрафлича маълумот берилди.

томонидан қазиб олинган хомашё газни истеъмолчилар ҳамда "Устюрт газ-кимё мажмуаси"га етказиб берилган.



2023 йилда Устюрт бошқармасида нефть ва газ геология-қидирув ишлари натижасида 1 та янги майдон бурғилашга киритилди. 20 минг метрдан ортиқ бурғилаш ишлари бажарилди ва 4 та янги қидирув-излов кудуқини қурилиши ишлари тугатилди. Натижада Шарқий Арслон янги газконденсат кони очилиб, табиий газнинг 1 миллиард куб метр янги захиралари топилди. Шу билан Устюрт минтақасида фойдаланилаётган конлар сони 10 тага етди.

— Қуйи Шарқий Бердақ иккинчи қидирув-излов кудуқининг ҳам бурғиланиши ишлари якунига етди, — дейди "Ўзнефгаз" бурғилаш ишлари қорхонаси бош муҳандиси Мақсуд Жумаев. — Бугунги кунгача 4 минг 500 метргача бурғилаш ишлари олиб борилди. Ушбу кундаги 5-сонли излов-қидирув кудуғида жорий йил 8 январда қуйи юра қатламларини ўрганиш, юқори натижада геологик маълумотларни олиш, янги истикболли маҳсулдор қатламларни аниқлаш ва мавжуд углеводород захираларини ўстириш мақсадида бурғиланиш ишларини бошлаган эдик. Шу пайтгача юқори ва ўрта юра даврларидagi қатламдан газ олиб турилган бўлса, бугунги кунда қуйи юра — чуқурлаштирилган кудуқдан янги технологияларни қўллаш асосида юқори босимли, яъни кунига 1 миллион куб метр атрафлича газ оқими олинимоқда.

Мутахассиснинг қўшимча қилишича, иш жараёнидаги бурғилаш ускуналари жуда замонавий. Хитойдан келтирилган



ушбу технологиялар 350 тонна юқори кўтариш қувватига эга. Ускуна билан 5 минг метр чуқурликкача қазилди имконияти мавжуд.

Ҳозир газ чиқаришнинг охириги босқичлари олиб борилмоқда. Бунда қатлам босими 600 атмосферадан юқори. Қатламдаги ҳарорат эса 150 даражани ташкил этади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, очилаётган кудуқлардан камиди 20-30 йил фойдаланиш мумкин. Мутахассисларимиз бу билан чекланиб қолмасдан, қўшимча кудуқларни бурғилаш, шу орқали янги кон захираларини аниқлаш ишларини ҳам давом эттирмоқда.

Умуман олганда, Устюрт ҳудудида 7 минг 535 поғона километр ҳажмда 2D ва 1472 квадрат километр ҳажмда 3D сейсмик қидирув ишлари бажарилиб, 14 та структура излов бурғилашга тайёрланган. Шунингдек, 23 та янги майдон бурғиланишга киритилган бўлса, 239 минг 262 метр ҳажмда излов-қидирув бурғиланиш ишлари амалга оширилган, 60 та излов-қидирув кудуғида қурилиш тугатилган.

Олиб борилган геологик-қидирув ишлари самараси ўлароқ, аввал нефть-газлик истикболли тўлиқ ишлатилмаган 3 минг 200 дан 4 минг 500 метргача чуқурликдаги қуйи юра ётқизикларидан саноат аҳамиятига молик газ ва конденсат оқими

ТОМОРҚАЧИЛИК



"Ўқчи" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳикматхон опа ва Юсуфбек ака Рўзमतов бундан бир неча йил олдин тақдирнинг қаттиқ зарбасига учради. Уларнинг ёлғизгина ўғли Ғулломназир 11 ёшда бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Ғам-андухни кўтара олмаган Ҳикматхон опа қаттиқ кетоб бўлиб қолди. Она-зор учун ҳаёт тўхтаб қолган эди гўё... Лекин турмуш ўртоғи ва қизи учун оёққа туриши керак эди. Вақт ҳамма нарсага даво экан. Орандан йиллар ўтди. Қизи Муслимаҳон улғайди, уни турмушга узатишди. У оила-си билан Марғилон шахрида яшайди.

ТАҚДИР ДАВОМИНИ ШИРИН ҚИЛГАН АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР

Ҳаётда баъзан асал аччиқ, қалампир эса ширин бўлиши мумкин экан. Бу фикримизни Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида яшаётган Ҳикматхон опа Рўзमतова мисолида кўриш мумкин. Ҳаёт турфа йўллардан, турфа тасодиф ва воқеалардан иборат. Гоҳ қайси йўлдан юриш, қай манзилга боришни, тақдиримизга нималар битилганини билмаймиз. Лекин пешонамизга ёзилганини ҳам кўрмай иложимиз йўқ.

Мана, ҳозир Ҳикматхон опа ва Юсуфбек аканиннг уч набираси бор. Улар бува ва бувиларини кургани келганда уйлари қувончу шодликка тўлиб кетади.

Ҳикматхон опа ва Юсуфбек ака ўлари ёлғиз яшаётганлари туфайли маҳалладаги ўзгалар парваршига муҳтож оилалардан ҳисобланади. Шунинг учун Қўштепа тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари улардан тез-тез хабар олиб туради.

Юсуфбек ака 62 ёшда, Ҳикматхон опа эса 61 ёшда. Улар қариллиқ нафақасида бўлса-да, 4 сотих томорқача ўзлари қарайди. Чол-кампир бир-бирига суяниб



томорқаларини гуллаб-яшнатиш билан машғул.

Маълумотларга разм соладиган бўлсак, юртимизда дунё бозорига хариддориг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш оммалашмоқда. Хусусан, аччиқ қалампирга жаҳон бозорида талаб жуда юқори. Қолаверса, ўзимизнинг томорқаларда ҳам аччиқ қалампир етиштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бу маҳсулотга юртимизда талаб катта. Айрим қишлоқларнинг овқатни қалампирсиз эмаслиги ҳақида эшитганмиз, қўрганмиз. Уларнинг дас-

турхонида ёзда янги узилган, қишда эса тузланган қалампир турши шарт.

Биз ҳикоя қилаётган оила мўъжазига на томорқача аччиқ қалампир кўчати экишни ҳадисини олган. Ҳар бир сотих ердан икки миллион сўмгача даромад олишади.

— Томорқа олтин хазинамизга айланган, — дейди Ҳикматхон опа. — Етиштирилган аччиқ қалампир маҳсулотимизни халқимиз дастурхонига тортиқ қилаётганимиздан хурсандмиз. Қалампир аччиқ, лекин даромади биз учун "ширин" бўляпти.

Ҳикматхон опа ва Юсуфбек ака ҳар йили эрта баҳордан томорқасида туртбеш хил қалампир етиштириб, ҳосил олади. Томорқадаги нави ва шакли ҳар хил аччиқ қалампирларни, халқ тили билан айтганда, "тузлашди" ҳамда уруғликка сотишади. Хариддорлар эса маҳалладошлари. Ҳикматхон опаниннг тузланган қалампирини бир татиб қўрган одам "яна борми?" дея қайтиб сўрайди.

Муъжазгина томорқада бир-бирдан чиройли қалампирларни қўриб, баҳри дилиннгиз очилади. Бир қалампирнинг шакли гўлдастани эслатса, яна бири қип-қизил гилосга ўхшайди. Ха, инсоннинг қўли гул, деб бежиз айтишмайди-да.

— Уғлимнинг ўлимидан кейин сиқилиб ётиб қолдим, ишга ҳам бора олмасдим, — дейди ўғлининг ёдга олган Ҳикматхон опа. — Пойтахтда яшайдиган синглим тасалли бериб, мени овутириш учун бир қуни антиқа қалампир бериб юборди. "Опа, қаранг, ажойиб экан, уруғини олиб, экиб қўринг-да", деди. Шундан кейин чалғиб, ўзимга ўзим тасалли бердим.

Ерга, бир-бирдан чиройли қалампирларга меҳрим ошиб, йилдан-йилга уларни кўпайтира бошладим. Томорқа ишларига берилиб, дардим ва ташвишимни бир оз унуттиб, тетиқлашдим. Чол-кампир иккимизнинг иккимиз қалампирга тушиб, хонадонларда кам экиладиган 5 хил нави кўпайтирдик. Жуда серҳосил бўлгани учун яхшигина даромад олдиқ. Биз шу ёшимизда урғиллашганимиз, демак, қолганлар ҳам бемалол урғиллаш олади. Бунинг учун томорқадан унумли фойдаланиш керак.

— Уйимизга келганлар томорқамизга ҳавас билан қараганда чарқоқларим унутлиб кетади. "Бунча чиройли, қаердан олгансиң, қандай қараялсиң?" деган саволларни эшитсан, етиштирилган қалампирларим ҳақида тўққинлиб гапираман, худди фарзандини мақтаган онага ўхшаб, — дейди Ҳикматхон опа.

Опаниннг айтишича, аччиқ қалампир серҳосил бўлади. Ер танламайди, кўп меҳнат ҳам талаб қилмайди, вақтида сув бериб, озиклантриб, ишлов берилса, кўзланган ҳосилни олиш мумкин. Шунинг учун иштиёқи бор одам ёшми-кексами, бу ишни бемалол урғиллаш оларкан. Қисқаси, одамда иштиёқ ва хоҳиш, қолаверса, бир оз ҳаракат бўлса kifoya.

Ҳикматхон опаниннг хикоясини тинглаб, бугунги кундаги ширин ҳаётга рағбат солиб, бир нарсга амин бўлдик. Демак, ҳар қандай ишни бошлаш ва урғиллаш ўзимизга боғлиқ экан.

Ёрқини ҚОСИМОВА, журналист

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

ТИББИЁТДА ЯДРОВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Бошланғичи 1-бета

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро давлат университети ва Бухоро давлат тиббиёт институти томонидан ташкил этилган анжуманда ядровий тиббиёт соҳасидаги замонавий тенденциялар, турли касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш учун ядро-физикавий усулларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, бу борада соҳадаги энг сунгги ютуқлар билан танишиш, халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш хусусида сўз юритилди.

15 мамлакатта экспорт қилади. Уларнинг сифати жакон стандартларига жавоб беради. 1999 йили Женевада корхонага сифат учун халқаро олтин юлдуз белгиси берилгани сўзимизни тасдиқлайди. Корхона ISO 9001:2008 сифат менежменти тизими халқаро стандартга мувофиқлик сертификатига эга. 2020 йилдан бир қатор махсуслотлар JMP стандарти бўйича чиқарилаётган.

катта таассурот қолдирди. Ҳозир дунё бўйича фойдаланилаётган йод-125 изотопи асосидаги дори-дармоннинг 80 фоизи институтида ишлаб чиқарилиши уларни хайратга солди. Бундан ташқари, фосфор-32, фосфор-33 радиоизотопи махсуслотларининг 60-70 фоизгача қисми Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Конференцияда "Бизда ҳам худди шундай восита ишлаб чиқарилади. Бундай бўлиши мумкин эмас", деган эътирозлар ҳам янгради. "Қанча ишлаб чиқарилсин?" деб сўраганимизда, "Бир йилда 50 юри ишлаб чиқарамиз", деган жавоб бўлди. "Институтида бир ойда 100 юри ишлаб чиқарилади", деганимиздан кейин бошқа саволга ўрин қолмади. Бу мамлакатимизда ядро тиббиёти ривожланаётгани, соҳада бошқалар қатори дадил оидимлаётганимизга бир мисол.



давлатларга махсуслотларимизни етказиб берамиз.

— Ўзбекистонда АЭС қурилиши режаси бор. АЭС ядро технологиялари ядровий тиббиёт ривожига қандай ўрин тутайди?

— Ядро технологиялари жуда кенг йўналишларни қамраб олади. Улар ичида энг йириги, айтиш мумкин, тождори — ядро энергетикаси. Чунки ядро энергетикаси бир неча йил бурун Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) томонидан "яшил" энергетика сирасига киритилди. Илгари "яшил" энергетика шамол, қуёш ва сувдан иборат учурчак бўлса, ҳозир ядро энергетикаси ҳам унга қиритилиб, квадрат шахлини олди. Чунки ядро энергетикаси экологик тоза ва энг муҳими, доимий барқарор электр энергиясини етказиб берувчи манбадир. Доим бир хил, об-ҳаво ва бошқа ташқи муҳитга болғик бўлмаган ҳолда, турғун равишда энергия ишлаб чиқаради.

МАГАТЭнинг баҳолашча, яқин келажда ядро энергетикаси асосий энергетика манбаларидан бирига айланади. Шунинг учун Ўзбекистонда АЭС қуриш тўғрисидаги қарор муҳим аҳамиятга эга. Бу, албатта, шахсий фикрим.

Одамларда қандайдир радиофобия — радиациядан қўрқиб бор. Институтиимиз 60 йилдан бери Тошкентдан 30 километр нарида фаолит қоритаяпти. Ядро реактори ишлаб турибди, бироқ хозиргача атропо-муҳитга бир зарар етказгани йўқ. Қуриладиган бошқа атом станцияларида ҳам хавфсизлик масаласи жуда муҳим.

Мисол учун, хозиргача дунё бўйича 450 та реактор ишлаб турган бўлса, 1954 йили биринчи атом станцияси ишга туширилган, дейдиган бўлса, 70 йилда атиги иккита йирик ҳодиса бўлган — Чернобиль ва Фукусима. Бундай ҳодиса бошқа соҳаларда ҳам юз бериши мумкин. Лекин бу ақс садо берадиган мавзу бўлгани учун одамларда радиофобияни қўзғатади. Шунга қарамай, ядро энергетикасига ҳозир энг хавфсиз энергия манбаларидан бири деб қараш мумкин. Нега? Чунки хозир қурилаётган атом реакторлари таннархининг учдан бир қисми хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Хавфсизлик, хавфсизлик, яна хавфсизлик — атом энергетикасининг шiori. Шунинг учун хозирги станцияларнинг хавфсизлиги энг юқори даражада.

Бу ўз ўрнида ядровий тиббиёт ривожига ҳам сезиларли таъсир қўрсатади. Россиядаги бир қанча АЭС реакторларида тиббиёт учун ақрили радиоизотоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар катта қувватга эга. Шундай юқори қувватга эга реакторларда жуда кўп миқдорда изотоп ишлаб чиқариш мумкин.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА сўзбатлашди.

“Энг охириги ишлаб чиқарган дориларимиздан бири — лютеций-177-ПСМА-617 простата бези саратони ва метастазларини даволашда самарали ишлатилапти. Ўтган йилнинг октябрийдан шу кунга қадар саратонга чалинган оғир аҳволдаги 35 беморда қўлланди. Даволашнинг тўрт курсидан кейин беморлар аста-секин соғлом ҳаётга қайтди.”

Турли ўсма касалликларини эрта аниқлашга ёрдам беради. Шунинг учун бу жуда прогрессив, жадал ривожланаётган усуллардан. Ўзбекистонда ҳозир ядровий тиббиётнинг ривожланаётган йўналишларидан бири позитрон-эмиссион томография. Яқин йилларгача бу йўналиш умуман йўқ эди. Ҳозирги кунда юртимизда ишлаб турган учта позитрон-эмиссион томография (ПЭТ) мавжуд. Улар касалликларга эрта ва аниқ тахис қўйишда самарали ишлатилапти. Ўйлайманки, яқин йилларда бу йўналиш янада ривожланади.

Мамамлатимизда саратон касаллигини даволашга катта эътибор қаратиляпти. Ҳар бир вилоятда ПЭТ маркази фаолияти йўлга қўйилиши вазифаси белгиланган. Зеро, аниқ қўйилган тахис самарали даволашнинг асосидир. Бемор аниқ тахис асосида дона шунга келиши шубҳасиз. Шу боис, позитрон-эмиссион томографияда тахис қўйиш усулидан янада кенгроқ фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Бу усул юртимиздаги қайси клиникаларда фаол қўлланыляпти?

— Ҳозир М.Федорович номидаги клиник санаторийда тахис қўйишда ядровий тиббиётнинг барча усулларидан кенг фойдаланиляпти. New Life Medical, NANO Medical Clinic клиникаларида ПЭТ томографияси ва радионуклид диагностикаси йўлга қўйилапти. Бу ерда қатор радиоизотоплардан фойдаланган ҳолда турли касалликлар даволаныпти. Масалан, самарий-153 оксабифор, лютеций-177 изотопидан олинган бир неча хил дорида, йод-131, йод-125 дан ҳар хил касалликларни тахислаш ва даволашда кенг фойдаланыляпти.

Энг охириги ишлаб чиқарган дориларимиздан бири — лютеций-177-ПСМА-617 простата бези саратони ва метастазларини даволашда самарали ишлатилапти. Ўтган йилнинг октябрийдан шу кунга қадар саратонга чалинган оғир аҳволда-

— Ядровий тиббиёт иккита фаннинг узаро бирлашувидан ташкил топган. Булар — ядро физикаси ва тиббиёт. Ядро физикаси энг ёш фанлардан. Унинг ривожлана бошлагани ҳали бир аср ҳам бўлгани йўқ. Тиббиёт эса энг қадимги ва инсонпарвар фан йўналишларидан биридир. Мана шу икки фаннинг бирлашуви, албатта, катта самара кўрсаталяпти. Чунки айнан ядровий тиббиёт усуллари касалликни энг бошланғич давриданоқ аниқлаш имкониятини беради. Сезгирлиги ва организмдаги турли паталогияларни қўриш имконияти бошқа усулларникига нисбатан анча юқори.

— Ядровий тиббиёт иккита фаннинг узаро бирлашувидан ташкил топган. Булар — ядро физикаси ва тиббиёт. Ядро физикаси энг ёш фанлардан. Унинг ривожлана бошлагани ҳали бир аср ҳам бўлгани йўқ. Тиббиёт эса энг қадимги ва инсонпарвар фан йўналишларидан биридир. Мана шу икки фаннинг бирлашуви, албатта, катта самара кўрсаталяпти. Чунки айнан ядровий тиббиёт усуллари касалликни энг бошланғич давриданоқ аниқлаш имкониятини беради. Сезгирлиги ва организмдаги турли паталогияларни қўриш имконияти бошқа усулларникига нисбатан анча юқори.




фор-32, фосфор-33, олтингургурт-35, темир-59, темир-59, йод-125, йод-131, самарий-153, лютеций-177, олтин-198 ва симоб-203) ишлаб чиқарилади. Шунингдек, онкологик, кардиологик ва эндокрин касалликларни тахислаш ҳамда даволаш учун 60 дан ортиқ радиофармацевтик препарат ва 10 дан ортиқ юқумли касалликни аниқлашда қўлланиладиган экспресс имун тест тизими тайёрланади.

Бу дори-дармонларни мамлакатимиз клиникаларида қўллаш борасида яхши натижаларга эришилди. Хусусан, Nano Medical Clinic муассасасида лютеций-177 PSMA-617 дори қўлланилган 91 фоизгача беморда простата бези саратонини самарали даволашга эришилди. Бу ҳақда клиника директори Я.Носирхужаевнинг конференциядаги маърузаси йиғиланганларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундай изланишлар натижаси конференцияга келган хориқлик олимларда қатъий фикрларни қўзғатади.

“Радиофармацевтик препарат шаклида тайёр махсуслот олиш ҳам институтининг асосий йўналишларидан. Радиоизотоп махсуслот олишда радиоактив лабораторияси, ВВР-СМ тадқиқот ядро реактори, У-150 зарядланган заррачалар тезлаткичи, “Радиопрепарат” ҳамда “Тезлаткич” ишлаб чиқариш корхоналари катта аҳамиятга эга. Институти “Радиопрепарат” давлат шуба корхонаси билан бирга радиоактив изотопларнинг дунёдаги етакчи экспортчиларидан биридир.

“Радиопрепарат” давлат корхонаси ядровий тиббиёт учун препарат ва бирикмалар, шунингдек, радиоактив изотопли махсуслотлар ишлаб чиқаради. Махсуслотларни Республикамининг бир қатор клиникаларига етказиб бериш билан бир қаторда, МДХ, Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Бразилия, Япония, Хитой каби



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИ ТЎҚЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ОБОДЛИК АСОСИДИР

Инсоният бугун барча соҳа ривожланган XXI асрда яшаяпти. Лекин озиқ-овқат муаммоси, аграр соҳа масалалари янги асрда ҳам долзарблигича қолган. Дунё аҳолисини очарчилик, тўйиб овқатланмаслик, ичимлик сув каби муаммолар тобора кенг қамраб олмақда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу инкироз қўлаб жоғаролик, иқлим ҳазариши, қурғоқчилик ва иқтисодий ҳисоб-китоблардаги ўзгаришлар натижасида анча вақтдан бери етилиб келаётган.

Қолаверса, COVID-19 пандемияси ҳамда дунё мамлакатларининг бир-бири озиқ-овқат ва бошқа турдаги санкцияларни тартибсиз жорий қилиши ҳам масалани янада мураккаблаштириб юборди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги махсусотлари нархининг кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, 2030 йилга бориб, озиқ-овқат махсусотларининг нархи 35 фоизгача қимматлашади. Шу сабабли, охириги йилларда БМТ ва бошқа йирик жахон тузилмаларида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги махсусотларини етиштириш бўйича йирик конференция ҳамда бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўтказилган халқаро конференция фикримиз тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг техник кўмағида ташкил этилган маъмур анжуманда 30 дан ортиқ давлатдан 2 мингдан зиёд мутахассис иштирок этди.

Маъмур форумда мамлакатимизнинг аграр салоҳияти яққол намоён бўлди. Тадбирда қатнашган 26 мамлакатдан келган 100 дан зиёд компания вакиллари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги имконияти билан қияндан танишиб, ҳамкорлик ўрнатишга катта қизиқиш билдирди. Мамлакатимиздаги қатор олий таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари билан бирга Термиз агротехнологиялари ва инновация ривожланиш институти масъуллари ҳам анжуманда қатнашиб, Финляндия, Польша, Литва, Малайзия каби мамлакатларнинг соҳага ихтисослашган ОТМлари билан ҳамкорлик шартномалари имзолашга



эришти. Бу келгусида қишлоқ хўжалиги инновацияларини жорий этадиган маълаки мутахассисларни тайёрлаш учун янги имкониятлар очади.

давлат қишлоқ хўжалиги ери аҳолига узоқ йиллик ижара асосида бўлиб берилмоқда. Пахта ва галла кластерлари ташкил этилиб, юқори ҳосилдорлик ва натижадорликка эришилмоқда. Хусусан, бу йил биринчи марта галладан 8 миллион тоннадан зиёд ҳосил олинди. Деҳқон ва фермерларнинг манфаатдорлиги ошиши ҳисобига ерга муносабат ўзгаряпти. Натижада ернинг меллиоратив ҳолати яхшиланмоқда. Томчилаб сугориш тизими кенг жорий этилмоқда. Ерга агротехник ишлов бериш учун хориқдан замонавий техникалар олиб келинаётганидан ҳам хабардоримиз. Деҳқон-фермерлар етиштирган махсусотларини ўзи хориқга экспорт қилмоқда. Уларга божхона ва карантин хизматлари кўрсатиш тизими тўдан ўзгарган. Экспортда транспорт харажатининг бир қисмини қоплаб бериш амалиёти жорий қилинди. Бир сўз билан айтганда, уларга қўлай шароитлар яратиб бериляпти.

Сурхондарё қўлай географик жойлашуви, унумдор тупроғи, сув захиралари мавжудлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Аграр соҳадаги кенг асхотлар вилоят қишлоқ хўжалигига ҳам иқибий таъсир қўрсатади. Чунки, янги турдаги деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилиб, экин турлари бозор муносабатлари асосида етиштирилияти. Махсусотлар тури кўпайиб борапти. Бу эса ички бозорнинг сифатли озиқ-овқат махсусотлари билан таъминлаш ва хориқга ҳам экспорт қилишга йўл очади. Воҳа деҳқонлари алпақачон экспортроп махсусот етиштиришининг ҳадисини олган. Бунда давлат томонидан логистика, божхона, карантин соҳасида деҳқон-фермерларга яратиб берилаётган катта имкониятлар муҳим омил бўлаётти.

Шунингдек, камбағалликни қисқартириш мақсадида ҳам таъминланган оилаларга ер ажратиб бериляпти. Улар ердан унумли фойдаланиб, икки-уч мартагача ҳосил оляпти. Бундан ташқари, худудда

хатарларнинг барчаси ҳам Ўзбекистон учун хос эмас. Масалан, юртимизга очарчилик хавф солаётгани йўқ. Лекин ернинг шўрланиши, сугориш учун сув ресурслари камайиб бораётгани, чулланли, қурғоқчилик каби таҳдидлар қишлоқ хўжалиги махсусотларини етиштиришдаги асосий муаммоларга айланмоқда.

Охириги йилларда юртимизда қишлоқ хўжалигига янгича ёндашув тизими жорий қилинди. Яқин-яқингача сақланиб келган пахта якяхоқимчилиги барҳам берилиб, ердан самарали фойдаланишга эътибор қаратилди. Биринчи марта

такрорий экин экишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, вилоятда 2023 йилда галладан бўшаган ернинг 90 минг 800 гектарига такрорий экин экилди. Шундан кластер ва фермер хўжалиги ўз эътиёжи учун 31 минг 191 гектарга, фермер хўжалиги аъзолари 49 минг 550 гектарга, “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари”да рўйхатда турганлар 1 минг 21 гектарга такрорий экин эккан.

Сурхондарё вилоятида 2023 йилда 390 минг 141 тонна озиқ-овқат махсусоти реализация қилиш режалаштирилган. Бунда ички истеъмол учун 134 минг 599 тонна, экспорт учун 60 минг 472 тонна, қайта ишлаш корхоналарига 79 минг 979 тонна, захирага 79 минг 589 тонна, Тошкент шаҳри ва бошқа ярмаркаларга юбориш учун 35 минг 503 тонна озиқ-овқат махсусоти етиштириш қўзда тутилган.

Воҳанинг иқлими деҳқончилик учун жуда қўлай, махсусотлари эрта пишади. Шу боис, сунгги беш йилда мева-сабзавот асосий экин майдонини 2,5 баробар кенгайтирилди. Бу йил аҳоли учун яна 8 минг 500 гектар кенг асхотилмоқда. Деҳқонларга шартно яратиб, сув таъминоти яхшилаб, озиқ-овқат махсусотлари ҳажмини 2 баробар ошириши ва экспорт қийматини 250 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Бу йўналишда, айниқса, 2021 йилдан бошлаб Сурхондарё таърибаси асосида ешларга 30 сотихдан ер ажратиб берилаётгани жуда катта воқеа бўлди. Вилоятда 2023 йилда ҳам “Ешлар дафтари”да турган 2 минг 802 нафар фуқарога Е-AUKSION электрон савдо платформаси орқали 1008,44 гектар ер майдони ажрати берилди. Ҳозир ешлар етиштирилган ҳосилни йиғиштириш билан банд.

Абдуғаффор Жўраев, иқтисодий фанлари доктори, профессор

21 ОКТАБЬР — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ янги босқичда

Ўзбек тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашуви таъминлаш, ўзбек тилини рақамлаштириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижро қилиниши натижасида университет нафақат ўзбек тили ва адабиёти бўйича классик университет, балки рақамлаштирилган смарт-университет сифатида ҳам тараққий топиб, ривожланиб бормоқда.



Мустақиллик даврининг энг улуғ имконият ва неъматларидан бири ўзбек тилининг ўз ерида обрў-эътибор топиши, давлат тили мақоми олишидир. Шунга кўра, бугунги кунда ўзбек тили миллий мафкурамизнинг таркибий қисмларидан ва мустақиллигимизнинг бош белгиларидан бири бўлиб қолмоқда.

Охириг йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи, обрўси, қўлланганини кенгайтиришда бир неча муҳим, бир-бирини тўлдирувчи, манъий давом эттирувчи ҳужжатлар — Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақоми тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2020 йил 20 октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ва 2020 йил 10 апрелда "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муҳим тарихий, сиёсий, ижтимоий аҳамиятга эга бўлди.

2020 йил 20 октябрдаги фармонга кўра: а) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси; б) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури;

в) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тасдиқланди. Концепциянинг асосий йўналишларида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақоми тубдан ошириш борасида бир қанча устувор вазифалар бажарилиши назарда тутилган.

Мазкур муҳим ҳужжатларда акс этирилган устувор вазифаларни ҳаётга татиқ қилишда ўзбек тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашуви таъминлаш, яъни ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзидан жамлаган электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш, ўзбек тилини интернет тармоғида оммалаштириш, унда муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловаларини яратиш, ўзбек тилини ўргатувчи компьютер дастурларини кенг миқёсда амалиётга татиқ қилиш, ўзбек тилидаги матнлар таҳририга мўлжалланган компьютер дастурларини яратиш, ўзбек тилидан жаҳоннинг етакчи хорижий тилларига ва хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилувчи компьютер дастурларини ишлаб чиқиш, давлат тилида яратилган дастурий таъминотларни

янага сертифицилаш ва стандартлаштириш хизматини жорий этиш, етакчи хорижий ижтимоий тармоқлар интерфейсларининг тиллари таркибига ўзбек тилини қўшиш масаласини ўрганиш кабилар долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида қатор ишлар амалга ошириб келиняпти. Ўзбек тили таълими факультети компьютер лингвистика кафедраси ҳузурида Компьютер лингвистикаси илмий-амалий маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказда компьютер лингвистикаси таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги талабалари устозлари илмий раҳбарлигида филологик масалаларни моделлаштириш, уларнинг маълумот ва билимлар базасини тадқиқ этиш, сунъий интеллект учун тилни моделлаштириш усуллари яратяпти.

Шунингдек, улар лексик маълумотлар базалари — лингвистик он-

таржима, тил корпусларини яратиш бўйича амалий масалаларни ечиш, филологик ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, қидирув тизимлари, компьютер графикаси, маълумотлар базасини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича билим, кунлик ҳаёда малакаларга эга.

Бугунги кунга келиб, университетда бажарилган қуйидаги амалий ишлар санаб ўтилган устувор вазифаларни бажаришга, яъни ўзбек тилини тўлиқ рақамлаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда:

ган сўзнинг ўхшаш бирликлари (word embedding)ни аниқлаш функцияси йўлга қўйилди.

Мазкур дастурий восита (натижаларнинг рақамли аҳамиятини қуйидагича кўрсатиш мумкин. Улар:

Ўзбек тили бирликларини турли аспектда таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб бориш учун очик манба сифатида хизмат қилади; имлони текшириш воситаларини ишлаб чиқишда маълумотлар базаси ва машинали ўқитиш асосидаги маълумотлар базаси вазифасини бажаради;



тология, ахборот-қидирув тизимлари, компьютер лексикографияси, машина таржимаси, компьютер лингвистикаси терминологияси, компьютер лингводидактикаси муаммолари тадқиқи билан шуғулланиб, лисоний рақамли технологиялар ишланмаларини яратиш бўйича изланишлар олиб бормоқда. Талабалар табиий тилни қайта ишлаш (NLP), автоматик

1. Сунъий интеллект методлари асосида ўзбек тили лексик бирликларини (сўз, ибора ва бошқалар) автоматик-семантик таҳлил қилиш имконияти яратилди (<http://uznatcorpaza.uz/uz/Similar>).

Бунда ўзбек тили корпусидаги матнлардан муайян сўзни қидириш асосида бу сўзнинг семантик майдонини ҳосил қилиш мумкин. Семантик майдонда қидирилган сўзнинг ассоциатив бирликлари, синоним, антоним, градуоним ва валентлики ҳосил қилувчи бирликлари тўпланади.

Бир миллиарддан кўпроқ гапни қамраб олган ўзбек тили корпуси асосида ўзбек тили бирликларини POS теглаш яримаавтоматик усулда амалга оширилди.

Сунъий интеллект ва қондаларга асосланган ёндашув билан яратилган бу натижаларнинг аниқлиқ даражаси 95,5 фоизга тенг. Бугунги кунда тил корпусида матнлардаги лексик бирликлари: сўз, ибора, NER (номланган объект)ларни автоматик теглаш учун машинали ўқитиш усули ҳам қўлланоқда.

Ўзбек тили бирликларини семантик таҳлил қилишга сунъий интеллектни қўллаш орқали ўзбек тилидаги истал-

Ўзбек тили савол-жавоб тизимини ишлаб чиқишда маълумотлар базаси ролини бажаради;

Ўзбек тилини она тили сифатида ўқитишда катта баздаги ўқув материаллари сифатида фойдаланиш имконини беради;

Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш учун ўзбек тилининг бой лексик имкониятларини кўрсатиб берувчи маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилади.

Масалан, ўзбек тилини мустақил ўрганаётган хорижлик бу тизимларда сўровни амалга ошириб, битта сифат ёки от туркумига мансуб сўзнинг ассоциатив боғлиқ бирликларида қидирув берав экан, у тасаввур қилмаган бирликлар ҳам корпус интерфейсида юрин олади. Бунга у бор-йўғи бир неча сонияларни бағишлайди.

2. Университетда яратилган воситалар сирасида "Ўзбек тилининг морфологик анализатори" (<http://www.uznatcorpaza.uz>) ҳам муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Ахборот-қидирув тизимлари (Google, Yandex, Google translate)да ўзбек тили матнларини морфологик

жиҳатдан автоматик ишлов бериш воситаси — ўзбек тили морфологик анализатори вужудга келиши натижасида ўзбек тилининг компьютер ишлови борасида қуйидаги муаммолар ечими топилади:

— ўзбек тили лексикаси морфологик жиҳатдан таснифланади;

— Google, Yandex каби қидирув тизимлари, Google translate таржимонидан морфологик бирликларни тўғри таҳлил қилиш жиҳатдан автоматик ишлов бериш сифати ошади;

— машина таржимаси сифати яхшиланади;

— ўзбек тилида турли корпуслар яратиш, корпус таълиқларига автоматик морфологик, семантик ишлов бериш имкони пайдо бўлади.

3. Университет олимлари ва тадқиқотчилари томонидан тайёрланган "Туркий тилларнинг лингводидактик электрон платформаси" (<https://uzlang.navoiy-uni.uz/about>) лойиҳаси халқаро аҳамиятга эга бўлиб, у хорижий тажрибаларни миллий тадқиқотларга қўллаш натижасида юзага келди. Мазкур платформа Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўлматаси ҳузуридаги миллий маданий марказлар (қозоқ, қирғиз, татар-бошқирд, турк, озарбайжон миллий маданий марказлари) ҳамда хориждаги ватандошларнинг жамоат ташкилотлари учун ҳам зарур манба бўлиб хизмат қилмоқда. Zero, электрон платформа мамлакатимизда турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, татар тилида сўзлашувчи турки тилида сўзлашувчи ўзбек тили билан бирга ўз она тилларини, қардош туркий халқлар тилини ўрганишга мўлжалланган. Унда ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, татар тилидаги лингводидактик материаллар, аудио ва видеороликлар, фотолар, матнлар, диалог-сўхбатлар намуналари, ҳар бир тил бўйича лугатлар (таржима лугатлари, синоним сўзлар, фаол сўзлар, миллий-маданий буюқдор сўзлар лугатлари) жамланган. Платформада аудио-видео, рақамли технологиялар имкониятларидан максимал даражада фойдаланилган. Ундан туркий тилларни ўрганишни мақсад қилган исталган инсон, олий таълим тизимидаги туркий филология мутахассислари таълимий ресурс сифатида фойдаланиши мумкин. Шунингдек, у Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қозоқ, турк, озарбайжон, қирғиз, татар миллияти вакилларига ўз она тилларини ўрганиши учун шу пайтгача мавжуд бўлмаган яхлит электрон ресурсга эҳтиёжини қоплаш вазифасини бажаради. Энг муҳими, мамлакатимизда қардош туркий халқлар тилларини тарғиб қилишга бағишланган электрон платформа орқали ички ва ташқи туризмини ривожлантириш имкониятлари кенгаймоқда.

2023 йилдан бошлаб университетда жаҳон глобал тармоғида ўзбек тилидаги материаллар сони ва сифатини ошириш, ўзбек халқининг миллий ўзига хослигини ифодаловчи тушунарларнинг батафсил изоҳини глобал тармоққа жойлаш бўйича "Ўзбек миллий маданиятига хос атамаларга оид мақолалар базасини яратиш" (Википедия электрон энциклопедияси мезонлари асосида) мавзусидаги, "Ўзбек адабиётининг қўп тилли (ўзбек, рус, инглиз тилларида) электрон платформасини яратиш", "Bolibar adabiyoti.uz электрон платформаси ва унинг мобил иловасини яратиш" сингари лойиҳалар ҳам ўз фаолиятини бошлаб, амалий жиҳатдан бу борадаги қўллаб муаммолар масалаларга ечим топишда қўл келмоқда.

4. Университетнинг амалий ишларидан яна бири "Ўзбек тилининг таълимий корпуси" (<http://uzschoolcorpaza.uz>) бўлиб, бу корпус она тили ва адабиёт, давлат тили ўқитувчилари ва ўзбек тили, адабиёти, ўзбек халқининг тарихи, маданиятини ўрганаётганлар учун ахборот базаси — муҳим методик адабиётларнинг йиғиндиси, зарурий электрон манбадир. Zero, таълимий корпусдан дидактик аҳамиятга эга бўлган ресурслар — электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-усулбий мажмуалар, машғулотлар ишланмалари, машқлар, глоссарийлар, виртуал лабораториялар, кўргазмалар, шунингдек, онлайн энциклопедиялар, лугатлар, геоахборот (картографик) тизим, кўргазмали қўлланмаларнинг рақамли кутубхонаси, қўшимча ахборот материаллари ва электрон даврий нашрлар ҳамда фанни ўзлаштириш бўйича ўз-ўзини баҳолаш тизими — онлайн тестлар мажмуалари ўрин олган. Тил таълимиде ахборот-коммуникация технологияларининг энг самарали электрон манбалари сифатида электрон лугат, ўрганилаётган тилда мультимедиа материалли, ихтисослаштирилган ўқув ресурси, электрон алоқа воситаси фарқланади. Таълимий корпус она тили ҳамда хорижий тилни ўрганишда бирдек аҳамиятли. Тилни ўргатишда лугат бойлигининг катталигини кўрсата олиш, сўзнинг қўлланиш имкониятини у ёки бу грамматик конструкция орқали тушунтириш учун мисоллар массивини кўрсатишда мазкур корпус жуда қўл келади. Тил таълими учун муҳим бўлган мисолнинг доимий янгиланиб бориши, буни акс эттириб туриш хусусияти ҳамда имконияти фақат корпусда мавжуд. Ўқитувчи янги, ишонarli, чексиз ҳамда хилма-хил мисолларни шу ердан топа олади, топириқ, машқларни белгилашда қиналмайти, бир неча дақиқада мавзу бўйича янги-янги мисоллардан иборат топшириқларни тайёрлай олади.

Хуллас, ўзбек тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашуви таъминлаш, ўзбек тилини рақамлаштириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижро қилиниши натижасида олийгоҳ нафақат ўзбек тили ва адабиёти бўйича классик университет, балки рақамлаштирилган смарт университет сифатида ҳам тараққий топиб, ривожланиб бормоқда. Шунга кўра, университетнинг устувор йўналишларига мос тарзда миллий тилимиз нуфузини янада ошириш халқаро ҳамжамиятда ҳам Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантиришга ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.


Zero, олий таълимни ривожлантиришга қаратилган оқилона сиёсат ва тўғри стратегия ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ошиши ҳамда халқаро мақоми кўчайишига хизмат қилади.

Саодат МУҲАМЕДОВА, филология фанлари доктори, профессор, Ботир ЭЛОВ, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Шаҳло ҲАМРОЕВА, филология фанлари доктори, доцент



GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA AСОSLANGAN ЎЗБЕК АЛИФОСИДА Ўқиш учун MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

O'zbek tili milliy korpusi



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046. 43312 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзода Фафоров Мусаҳҳиш: Рашид Ҳўжамов Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзиллими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқуни — 23:25 Топширилди — 23:55